



ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ  
АКАДЕМИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ»**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ**

**2018 йил 27 апрель**



**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE**

**«ECONOMIC DEVELOPMENT AND LIBERALIZATION  
ISSUES OF IMPLEMENTATION THE FIVE PRIORITY  
AREAS OF UZBEKISTAN'S DEVELOPMENT STRATEGY»**

**27<sup>th</sup> April 2018**



**ТОШКЕНТ – 2018**

**«Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш масалалари»** мавзудаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент. 2018. -бет.

**Таҳрир хайъати аъзолари:** и.ф.д., проф. Ш.Тошматов, и.ф.д., проф. Д.Раҳимова, и.ф.н., доц. А.Исламкулов, и.ф.н.Б.Саттаров, PhD. У.Пардаев, Н.Заидова.

**Тақризчилар:** и.ф.д., проф. Н.Х. Хайдаров, и.ф.н. Ф.И. Мирзаев

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир хайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

мамлакат миқёсида сегментларга ажратиш орқали унинг истикболини башорат қилиш мумкин.

## **КИЧИК БИЗНЕС МЕНЕЖМЕНТИНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Муяссархон Умарходжаева и.ф.н. доц.  
ТДИУ “Менежмент” кафедраси*

Бугунги кунда кичик бизнес менежментини ривожлантириш унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва унинг институционал асосини назарий жиҳатдан ўрганиб, тизимлаштириш ҳамда ривожлантириш концепциясини яратиш иқтисоднинг устувор йўналишидан бирига айланиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида марказлашган режали иқтисодиёт тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даврида кичик бизнесни ташкил қилиш, унинг кооперацион, тенг манфаатли фаолиятини бошқариш жараёнида бир неча қонун ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу даврда мамлакат иқтисодининг бозор муносабатларига босқичма-босқич трансформацияси кичик бизнес субъектлари ва унинг институтлари ўртасида вужудга келган қарама-қаршилиқлар кўп қиррали ўзгарувчан иқтисодий муносабатларда унинг бизнес фаолиятини рационал, тизимлашган институционал асосини замонавий менежмент нуқтаи назаридан қайта тизимлаштириш, унинг институционал бизнес муҳитини фундаментал назарий ҳамда услубий жиҳатдан қайта шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига босқичма-босқич трансформациясида кичик бизнес субъектлари ва унинг институционал асоси ўртасида муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонун ости ҳамда меъёрий ҳужжатларида бир манфаатли ёндашув асосида шаклланди ва ушбу муносабат бугунги кунга келиб, саноат тармоқларида тизимли ҳамда тенг манфаатли ривожланиш концепциясини яратишни давр талабига айлантirmoқда. Бундан ташқари ривожланаётган давлатларда кичик бизнес институционал асосининг яратилиши мамлакат иқтисодида ЯИМнинг кескин ўсишига сабаб бўлган ҳолатлар мавжуд.

Бугунги кунга келиб, кичик бизнес менежментини ривожлантириш масаласида олиб борилган назарий тадқиқотлар аксарият ҳолларда позитив ва норматив таҳлилларга асосланган ҳолда фрагментлар, функционал ва статик маълумотларга эга бўлган билимларни ташкил қилиб, унинг ўрта ва узоқ муддатли даврларда ривожланишини назарий жиҳатдан тизимлашган институционал концепциясини яратиш масаласи долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ҳозирга қадар кичик бизнес субъектларининг тизимлашган институционал асоси ҳамда унинг бошқариш механизмини ривожлантиришнинг илмий-назарий, услубий асоси каби масалалар етарли даражада ўз ечимини топгани йўқ. Услубий ёндашувда яъни, анъанавий институционализм асосчиларидан Д.Норт қарашида 3та таркибий асос ноформал чекловлар, формал қоидалар ва мажбуриятлари асосланган қоидаларга амал қилиш институтларни таркибига ёндашуви ва янги институционализм тарафдори Р.Коузнинг контракция ва трансакция харажатлари кабилар ҳозиргача мушоҳадали масала бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврининг илк даврида давлат бошқарув тузилмаларининг бозор муносабатларида доминант ҳолатга эришиш учун ҳаракати натижасида шаклланган кичик бизнес субъектлари институционал асоси унинг фаолиятини ривожланишига етарли даражада кўмак бера олмай, тармоқлар миқёсида унинг ўсиш суратида катта диспропорционаллик ҳолатини вужудга келтирмоқда.

Кичик бизнес ёки муқобил рақобатчиларнинг манфаатларининг тенг ҳуқуқларини сақланмаслиги, бизнес муҳитда олигополистик ҳолатга кирган айрим кичик бизнес

субъектлари ишлаб чиқариш корхоналари янги ишлаб чиқаришга интилмаслиги, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши, нарх–навонинг ўсиши ҳамда истеъмолчилар ҳисобига фойда олишга интилиш ҳолатларининг вужудга келиши, кичик бизнес субъектлари билан кооперацион алоқаларнинг номутаносиблиги эвазига унинг рационал пропорционал ривожланишини таъминлаб бера олмаслигини тармоқлар миқёсида намоён қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даврида кичик бизнес субъектлари фаолиятини шаклланишида қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари унинг маълум бир маънода ҳуқуқий асосини яратди ва уни мажбурияти ҳамда тенг манфаатли рақобатли фаолиятини қафолатлашда аниқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган институционал муносабатларни етарли даражада шаклланмаганлиги натижасида унинг фаолиятининг айрим тармоқларида кескин ривожланиши ва ушбу соҳада уни монополлашуви бошқа тармоқларда эса стагнацияси ёки ноформал муносабатларни вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш концепцияси тизимлашган тартибда институционал ислоҳотларни олиб бориш, тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш шакли, усуллари ва қўллаш механизмларига боғлиқ бўлиб, бунда институционал муҳитнинг аҳамияти катта. Бунда инновацион ривожланишни таъминлаб берувчи институционал муҳит юқори даржада қўшимча қийматни таъминлаб берадиган замонавий техника ва технологиялар асосида жиҳозланган саноат инфратузилмасини талаб этади.

Кичик бизнесга юқори даржада қўшимча қийматни таъминлаб берадиган техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ва хизмат кўрсатиш субъектларида институционал ва тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштириш қуйидаги вазифаларни амалга оширишни назарда тутлади:

– кичик бизнес соҳасида бозор принципларига асосланган институционал ва тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштиришда субъектлар фаолиятини қўллаб қувватлаш институтлари ва жамоатчи ташкилотларнинг ҳудудий ва маҳаллий даражада ролини ошириш;

– институционал ва тузилмавий ислоҳотларнинг юқори даражада қўшимча қийматни таъминлаб берадиган техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи кичик бизнес субъектлари фаолиятига қаратиш;

– миллий инновация фундаменти асосида кичик бизнесни юқори технологик занжирли ишланмаларни яратишда фаол қатнашувчи субъект сифатида жалб этиш институтлари ва тузилмаларини жорий этиш.

Кичик бизнес соҳасида бозор принципларига асосланган институционал ва тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштиришда субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш институтлари ва жамоатчи ташкилотларни ҳудудий ва маҳаллий даражада ролини ошириш керак. Бунда асосий эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратиш лозим:

– институционал ва тузилмавий ислоҳотларни юқори даржада қўшимча қийматни таъминлаб берадиган техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи кичик бизнес субъектлари фаолиятига қаратиш;

– миллий инновация фундаменти асосида кичик бизнесни юқори технологик занжирли ишланмаларни яратишда фаол қатнашувчи субъект сифатида жалб этиш институтлари ва тузилмаларини жорий этиш;

– кичик бизнес субъектларига профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини ҳудудий ва маҳаллий даражадаги инновация маркази, технопарк ва юқори технологик ишланмалар томонига йўналтириб, йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорлик тизими институтларини ривожлантириш кабилар иборат.

## II СЕКЦИЯ. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ ЎРНИ

Саидахрор Гуломов, Аббос Шермухамедов Роль ИКТ в инновационном развитии экономики	318
Фарход Каримов Миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион менежментнинг стратегик йўналишлари	320
Тўлкин Тешабоев Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва инсон капиталини оширишда таълим тизимининг аҳамияти	322
Валентин Котов Совершенствование подходов к наращивания экспортного потенциала регионов на основе инновационного развития предприятий-экспортеров	324
Bobur Xonto'rayev Iqtisodiyotni liberallashtirish sharoitida innovatsion menejment zamonaviy boshqaruv tiziminig roli	326
Антон Костюченко Основные проблемы и меры по активизации инновационной деятельности в регионах	327
Қурбон Раҳманов Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти	328
Anvar Gafurov The corporate governance as the incentive investors to transcend the governance system	331
Дилшод Мамаджонов Автомобиль саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқариш	333
Бекзод Зуфаров Эффективное хранение нефтяных продуктов	335
Сарварбек Мирзаев Иқтисодиётни ривожлантиришда замонавий бошқарув усуллари	336
Рустам Муратов Мотивация персонала в банковской системе	339
Адҳам Фаттахов, Илҳом Маматқулов Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш	340
Dildora Mirdjalilova Serveying – is the system of professional property management	345
Аваз Қаххоров Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини ривожлантириш	347
Муяссархон Умарходжаева Кичик бизнес менежментини институционал ислохотлар асосида ривожлантириш йўллари	350
Мавлуда Ирисбекова Иқтисодиётни барқарорлаштириш шароитида маркетинг - транспортнинг ташкилий-иқтисодий фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий дастаги	352
Музаффар Абдурахимов Миллий архив иши соҳаси бошқарувини такомиллаштириш	354
Ra'no Gafurova, Guzal Nizamova The importance of financial management in the joint-stock companies	356
Собитхон Алабаев, Дилшоджон Ўринов Корхоналар фаолиятини бошқаришда молиявий стратегия ва уни ривожлантириш йўллари	358
Хожакбар Каримов Инновация как фактор роста экономики в условиях интенсивного реформирования	360
Кўчқоров Тоҳир “Рақамли иқтисод” га ўтиш даврида Ўзбекистонда ғазначилик ахборот тизимини инновацион ривожлантириш истиқболлари	362
Дилмурод Низамутдинов Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантиришда кластер ёндашув	365
Нурбек Ризаев Инновацион ривожланиш ва интеллектуал мулк	367